O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
ZARAFSHON SHAHAR
HOKIMINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
ГОРОДА ЗАРАФШАН
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Zarafshon sh., Marvarid ko‘chasi, 1 — г.Зарафшан, улица Марварид, 1

“08” ноября 2018 й (г) № К-772

Зарафшон шаҳар “Наврўз” деҳқон бозори атрофида автотранспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан, “Наврўз” деҳқон бозори атрофида автотранспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш мақсадида:

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Шаҳар ИИБ ЙҲХБ (З.Олимов), вилоят махсус эксплуатацион монтаж бўлими (Ғ.Аҳмедов), шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси (У.Муқумов)ларга:

- шаҳарнинг “Дунё қурилиш моллари” савдо дўконидан шаҳарнинг Геологлар кўчасига чиқувчи йўл (Восход гаражлар уюшмаси кириш жойигача) автотранспорт воситалари бир томонлама ҳаракати ташкил этилсин.

- “Баҳор Савдо комплекси”даги “Дунё гиламлари” савдо дўкони олдидаги автотураргоҳ ёнида “Восход” гаражлар уюшмасигача “Дунё қурилиш моллари” йўналишида 3.1 (кириш таъқиқланади) ҳамда қўшимча 7.1.1 (100м) йўл белгилари ўрнатилсин.

- шаҳарнинг Геологлар кўчаси (Восход гаражлар уюшмаси)дан “Дунё қурилиш моллари” йўналишида 3.1 (кириш таъқиқланади) йўл белгиси ўрнатилсин.

- шаҳарнинг “Дунё қурилиш моллари” савдо дўконидан шаҳарнинг Геологлар кўчасига чиқувчи йўл (Восход гаражлар уюшмаси)гача йўналишида 5.5 (бир томонлама ҳаракатланиш йўли) йўл белгиси ўрнатилсин.

- ушбу йўналишдаги “Восход” гаражлар жамияти ҳамда Қурилиш моллари савдо комплексидан чиқиш жойида 4.1.2 (Ҳаракатланиш ўнга) йўл белгиси ўрнатилсин.

- “Баҳор Савдо комплекси” буюм бозоридан чиқиш дарвозаси олдига 4.1.3 (ҳаракатланиш чапга) йўл белгиси ўрнатилсин.

- йўналишда ўрнатилган 3.27 (тўхтаб туриш таъқиқланади) йўл белгиси ҳаракат йўналиши бир томонлама ҳаракатга ўзгартирилиши муносабати билан йўл белгиси олинсин.

2. “Олтин водий” газетаси (М.Хусанов)га ушбу қарорни “Олтин водий” газетасида кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Шаҳар ИИБ ЙҲХБ (З.Олимов) транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида назоратни кучайтирсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Файзиев зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **А.Раджабов**